ДЭН БРАУН

# ДА ВИНЧИ СИРИ

*РОМАН*

Тошкент
« Янги аср авлоди»
2007

Леонардо да Винчи чизган суратлар беқиёс жозибаси ва сирларга йўғрилганлиги билан шуҳрат топган. Бугунги куннинг энг машҳур ушбу романи сизни Леонардо да Винчи асаридаги рамзлар ва уларга яширинган сирлар ортидан санъаткорона эргаштириб кетади. Ва кутилмаган хулосалар билан ҳайратга солади.

Азиз китобхон, ушбу асар ўзбек тилида илк бора тақдим этилмоқда ва бу сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Рус тилидан Мансур РАҲИМОВ,
Бурхон СОБИРОВлар таржимаси

Масъул муҳаррир:
Аброр МАШАРИПОВ

ISBN 978-9943-08-113-0
© Дэн Браун. «Да Винчи сири». «Янги аср авлоди» НММ, 2007 йил
® Улуғбек Исоқов

# *МАЪЛУМОТЛАР*

*Сион Приорат*и – 1099 йили Европада ташкил этилган яширин жамият. 1975 йили Париж миллий кутубхонасида «Махфий маълумотлар» номида қўлёзмалар ўрами топилган эди. Унда Сион Приоратининг бир неча аъзолари, жумладан, Исаак Ньютон, Ботичелли, Виктор Гюго ва Леонардо да Винчининг исмлари қайд этилган.*

*«Дея асари» деб аталувчи Ватиканнинг шахсий прелатураси ўта художўй католик секта ҳисобланади. Руҳий поклаш, азоблаш ва «танани жонсизлантириш» каби хавфли маросимлари билан машҳур. «Дея асари» сектаси яқиндагина Нью-Йоркдаги Лексингтон-авеню, 243 манзилида ўзининг штаб-квартирасини қуриб битирди. Қурилиш ишларига 47 миллион доллар сарфланди.*

*Китобда санъат асарлари, меъморчилик обидалари, ҳужжатлар ва сирли диний маросимларнинг аниқ тасвири баён этилган.*

---

*Приорат ёки синьория – ўрта асрларда бир қатор шаҳарлардаги бошқарув органи. Масонлар анъанасида Буюк приорат – масонлар деноминацияси раҳбарлик тизимидаги бўлим (Ибодатхона, Госпитал).

# МУҚАДДИМА

*...ва яна Блайзга бағишланади, ҳар доимгидан зиёда, ҳар қачонгидан-да ортиқроқ даражада*

*Париж, Лувр.* 21:46.*

Таниқли нозир Жак Соньер Катта галереянинг гумбазсимон равоқи остида чайқалганча ўтиб бораркан, кўзига биринчи бўлиб тушган расм – Караважо полотноси томон интилди. У иккала қўли билан зарҳал рамкани кучи борича торта бошлади ва ниҳоят дурдона асар девордан узилиб, етмиш ёшли қариянинг устига қулади. Худди Соньер тахмин қилганидек, шу яқин ўртада темир панжара ҳам ерга гурсиллаб тушиб, паркет полни зириллатиб юборди ва залга кирадиган йўлни тўсиб қўйди. Узоқда чинқириқ товушли сигнализация ишлаб кетган эди.

Нозир оғзи билан аранг нафас олар, айни дамда қайси дунёда эканлигини идрок қилишга уринарди. Шу қўйи бир неча сония ётди.

«Ҳали тирик эканман».

У полотно остидан судралиб чиқиб, яшириниш учун жой қидирганча атрофга олазарак аланглай бошлаган маҳал гулдурос овоз янграnumbers:

– Қимирлама!

Эмаклаб кетаётган нозир ўша жойда қотиб қолди, кейин ортига астагина ўгирилиб қаради.

Атиги ўн беш фут** нарида, панжара ортида уни таъқиб этаётган кишининг гавдаси кўриниб туради: баланд бўйли, елкалари

---

*Лувр – Париждаги машҳур меъморий ёдгорлик, йирик музей. XVI асрда қурилган.

**Фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

кенг. Ҳойнаҳой альбинизм*** касаллигига йўлиққан бўлса керак, териси ўликникидай кўкимтир, кўзларининг оқи пушти, қорачиқлари таҳдид солувчи қора-қизил рангда, сочига эса оқ оралаган эди. У чўнтагидан тўппонча чиқарди-да, узун стволни панжара темирлари орасидан тиқиб, нозирни мўлжалга олди.

– Қочишга ҳаққинг йўқ, – деди у тушуниш қийин бўлган талаффузда. – Энди гапир: қаерда у?

– Ахир айтдим-ку, – дея ғудранди ҳалиям нажот илинжида эмаклаб турган нозир, – нима ҳақида гап бораётганидан бехабарман.

– Ёлғон! – У ҳаракатсиз ҳолатида нозирга шундай қаттиқ тикилдики, кўзларидан гўё қизғиш учқунлар сачрагандай бўлди. – Сенда ва биродарларингда шундай нарса борки, у мутлақо сизларга тегишли эмас.

Нозир илкис сесканиб кетди: «*У қаердан билиши мумкин?*»

– Бугун эса ўша нарса ўзининг ҳақиқий эгаларига қайтарилажак. Шундай экан, унинг қаердалигини айт ва жонинг омон қолади. – У стволни хиёл пасайтирган эди, нақ нозирнинг бошига тўғриланиб қолди. – Ёки бу сир учун ўлимга ҳам тайёрмисан?

Соньернинг нафаси ичига тушиб кетди.

Тўппонча орқали мўлжалга олинаётганини кўргач, қўлини ожизона кўтарди.

– Тўхтанг, билганларимнинг барини айтиб бераман.

Нозир сўзларни эҳтиёткорлик билан танлаганча гапира бошлади. Бу ёлғонни бир неча бор машқ қилган ва ҳар сафар уни қўллаш тўғри келмаслигини сўраб дуо қиларди.

У гапини тугатганида таъқибчи мағрурона илжайди:

– Ҳа. Бошқалар ҳам менга айнан шуни айтишган эди.

«*Бошқалар?*» ҳайрон бўлганича хаёлидан ўтказди Соньер.

– Мен уларни ҳам қидириб топдим. Учови ҳам ҳозиргина сен айтган гапларни такрорлашган эди.

«*Бўлиши мумкин эмас!*» Ахир нозирнинг ҳам, унинг қари уч ноибларининг ҳам асл шахсияти ўзлари сақлаб келаётган кўҳна сир каби муқаддас ва дахлсиз эди. Шу пайт Соньер бир нарсани

***Альбинизм – организмда унга хос меъёрий ранг берувчи пигмент етишмаслиги.

фаҳмлаб қолди: унинг уч содиқ хизматкорлари ўлим олдидан ҳозирги афсонани сўзлаб беришган. Бу эса улар мўлжаллаган режанинг бир қисми эди.

Тўппонча яна нозирга ўқталди.

– Сен ўлгач, бу дунёда ҳақиқатни билувчи ягона киши мен бўламан.

*«Ҳақиқатни!..»* Нозир бу сўзнинг қўрқинчли маъносини бағоят тезкорлик билан илғаб олди, вазиятнинг бутун даҳшати энди унга намоён эди. *«Агар мен ўлсам, ҳақиқатни ҳеч ким ҳеч қачон билолмайди»*.

У шуурига бўйсунган ҳолда жонини сақлаб қолиш учун яширинишга жой қидира бошлади.

Аммо шу пайт гумбурлаган ўқ овози эшитилдию нозир полга ҳолсизгина ўтириб қолди. Ўқ унинг қорнига теккан эди. Соньер минг азобда оғриқни енгишга ҳаракат қиларкан, судралишга уриниб кўрди. Бошини оҳиста кўтариб панжара ортида турган қотилига кўз қадади.

Қотил энди унинг бошини мўлжалга олган эди.

Соньер кўзларини қисиб олди, қўрқув ва таассуф гўёки уни сўнгсиз азоб гирдобига тортаётгандек эди.

Пахтавон отишдан чиққан овоз йўлак бўйлаб акс-садо бериб ўтди.

Қотил қуролига истеҳзо билан қараб турарди. Тўппончани яна ўқламоқчи бўлди, бироқ фикрини ўзгартирди чоғи, мийиғида кулиб Соньернинг қорнига ишора қилди:

– Мен ўз ишимни бажардим.

Нозир бошини эгиб оппоқ кўйлагида ўқдан ҳосил бўлган тешикни кўрди. Тешик қоннинг қизил доираси билан ўралган ва кўкрак қафасидан бир неча дюйм* пастда жойлашган эди. *«Ошқозон!»* Қанчалар шафқатсиз хатолик: ўқ унинг юрагига эмас, қорнига теккан экан. Нозир Жазоир урушида қатнашган, нечтадан-нечта азобли ўлимларга гувоҳ бўлган. У яна ўн беш дақиқача яшаши мумкин, холос, ошқозондан чиққан кислота эса кўкрак қафасига сизиб ўтиб, уни аста заҳарлай бошлайди.

---

*Дюйм – 25,5 мм га тенг узунлик ўлчови.

– Биласизми, месье, оғриқнинг фойдаси бор, – деди қотил ва ортига ўгирилиб узоқлаша бошлади.

Ёлғиз қолган Жак Соньер темир панжара томонга қаради. Ҳа, у тузоққа тушиб қолганди, эшикларни эса йигирма дақиқадан кейингина очишлари мумкин. Унгача Соньер ўлиб бўлади. Бироқ айни пайтда уни қўрқувга солаётган, ташвишлантираётган нарса ўз ўлими эмас.

*«Мен сирни бошқаларга етказишим даркор!»*

Оёққа туришга уринаётганида ўлдирилган уч биродарининг юзлари кўзига кўрингандай бўлди. Бошқа биродарларини, улар амалга оширган ишларни, муқаддас сирни авлодларга авайлаб етказганлари ҳақида эслади.

*«Билимларнинг узилмас занжири...»*

Энди эса... Барча эҳтиёт чоралари кўрилган бўлишига қарамай, Жак Соньер ушбу занжирнинг ягона ҳалқаси, сирнинг ягона сақловчиси бўлиб турибди.

Бутун вужуди титраганча ўрнидан турди.

*«Мен қандайдир йўлини топишим керак!..»*

У Катта галереянинг ичида қамалиб қолган эди, ахир бу ёруғ дунёда айнан угина билимлар машъаласини авлодларга узата олиши мумкин. Соньер ҳашаматли зиндоннинг деворларини кўздан кечира бошлади: бутун оламга машҳур тасвирий санъат асарлари худди эски қадрдонлар каби, тепадан пастга кулиб қараётганга ўхшарди. Оғриқдан юзлари буришганча бор куч ва матонатини тўплашга уринди. У амалга ошириши керак бўлган вазифа диққат-эътиборли бўлишни талаб этади ва унга берилган ҳаётнинг сўнгги сониялари ҳам ана шу йўлда бахшида бўлгуси.

# БИРИНЧИ БОБ

Роберт Лэнгдон ҳадеганда уйғонавермади.

Қоронғи хонанинг аллақайси бурчагида телефон жирингларди. Бироқ бу галги қўнғироқ овози қандайдир ғалати, чинқироқми-ей. Лэнгдон жавонча устини пайпаслаганча чироқни топиб ёқди. Кейин эса кўзини қисган кўйи атрофни кузата бошлади: Уйғониш даври услубига хос барқут қопланган ёток, Людовик XVI замонидан қолган мебел, деворларга эса суратлар чизилган, қимматбаҳо чодир остида қизил ёғочдан ишланган каравот.

«Жин урсин, қаердаман ўзи?»

Кресло суянчиғига ташланган халатнинг кўксига «РИТЦ» меҳмонхонаси, Париж» деб ёзилганди.

Миясини карахт қилиб турган туман секинлик билан тарқай бошлади. Лэнгдон гўшакни кўтарди.

– Алло?

– Месье Лэнгдон? – эркак кишининг овози эшитилди. – Умид қиламанки, сизни уйғотиб юбормадим.

Лэнгдон стол устидаги соатга қаради: миллар тунги 12 дан 32 дақиқа ўтганини кўрсатмоқда. У атиги бир соат ухлаган, қаттиқ чарчаганидан ўзини аранг тутиб турарди.

– Мен портьеман, месье. Безовта қилганим учун минг бор узр, лекин бир одам сизни сўраб келди. Айтишича, жудаям зарур иши бор экан.

Лэнгдон ҳали ҳам ўзини карахт сезарди. Кўзи жавонча устидаги ғижимланган қоғозга тушди. Бу таклифнома эди.

ПАРИЖДАГИ АМЕРИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Гарвард университетининг диний рамзлар профессори

*Роберт Лэнгдон билан бўладиган учрашувга мамнуният ила таклиф этади.*

Лэнгдон оҳиста инграды. Оқшомги маърузада Шартре жомесининг тош деворларига солинган бутпарастлик белгилари ҳақида слайдлар намойиши бўлиб ўтганди. Мутаассиб профессорларга бу ёқмагани аниқ. Балки энг диндор олимлар унинг кетишини талаб қилишар, балки Америкага учадиган биринчи рейсдаёқ жўнатиб юборишар.

– Кечирасиз, – деди Лэнгдон, – мен жуда чарчаганман, ундан кейин...

– Аммо месье, – овозини пасайтирганча гапини маъқуллашда давом этди портье, – меҳмонингиз анчагина баобрў киши.

Бунга асло шубҳа қилмаса бўлади. Диний тасвирий санъат ва ибодат рамзлари ҳақидаги китоблари санъат оламида Лэнгдонга анчагина машҳурлик келтирди. Ўтган йили Ватикандаги дудмол можародаги иштироки матбуотда кенг ёритилгач, Лэнгдоннинг шуҳрати янада ортиб кетди. Шундан бери уни аллақандай тан олинмаган тарихчилару санъатга ҳавасмандлар безор қилиб юборишган эди.

– Марҳамат қилиб ўша кишининг исм-шарифи ва манзилини ёзиб олинг, – Лэнгдон иложи борича самимий гапиришга ҳаракат қиларди. – Унга пайшанба куни, Париждан кетишимдан олдин қўнғироқ қилишимни айтинг. Келишдикми? Раҳмат!

Портье оғиз жуфтлашга улгурмаёқ у гўшакни қўйиб қўйди.

Лэнгдон каравотга ўтираркан стол устида меҳмонлар учун аталган кундаликни кўриб қолди, унинг муқовасига қуйидаги ёзув битилганди: «Оловлар шаҳрида гўдак каби тиниқ ухланг. «Ритц» меҳмонхонасида ширин уйқу. Париж». У ортидаги катта тошойнага қараб, ўз аксини деярли таниёлмади. Қаттиқ чарчаганлиги ва паришон ҳолати шундоққина кўриниб турибди.

*«Роберт, сен яхшилаб дам олишинг керак».*

Айниқса охирги йил бир мунча оғир келди ва бу ташқи қиёфасига таъсир этмай қолмади. Ҳар доим чақнаб турадиган мовий кўзлари алланечук хиралашиб, маъюс тортиб қолгандай. Ёноқлари ва чуқурчаси бор иягини калта туклар қорайтириб турарди. Икки чаккаси кумушранг тус олган, устига-устак қора қуюқ сочига ҳам оқ оралай бошлади. Гарчи ҳамкасб аёллар оқ сочлар унга жуда ярашиб, олимларга хос кўриниш бағишлаб турганини айтишса-да, Лэнгдон бундан хурсанд эмасди.

*«Бостон мэгезин»дагилар ҳозир мени кўришса эди!»*

Ўтган ой «Бостон мэгезин» журнали Лэнгдонни шаҳардаги «энг кўп қизиқиш уйғотувчи» кишилар ўнталигига киритган эди. Бундай кутилмаган «обрў» унинг бир қадар саросима ва ҳайратига, Гарварддаги ҳамкасбларининг эса доимий кулгисига сабаб бўлганди. Мана энди журнал томонидан кўрсатилган ҳурмат уйидан уч минг миля* узоқликда расвогарчиликка айланиб, Париж университетидаги маърузасига қадар уни таъқиб этиб келди...

– Хонимлар ва жаноблар, – дея мурожаат этди бошловчи одамлар билан лиқ тўла «Шаҳзода павильони»га қарата, – бугунги меҳмонимизни таништиришга ҳожат йўқ. У кўплаб китоблар муаллифи ҳисобланади: «Махфий секталар рамзлари», «Закийлар санъати: идеограмма**ларнинг бой берилган тили» каби асарлар шулар жумласидан. Яқиндагина эса унинг «Диний тасвирий санъат» номли янги китоби ҳам нашрдан чиқди. Билишимча, кўпчилигингиз учун унинг китоблари дарслик бўлиб қолган.

Талабалар тасдиқ аломати сифатида бошларини қимирлатишди.

– Бугун эса сизларга бу ажойиб инсоннинг намунали ҳаёт йўли ҳақида гапирмоқчи эдим. Аммо, – у ҳайъат столи ортида ўтирган Лэнгдонга шодон қараб қўйди, – ҳозиргина талабаларимиздан бири менга, айтиш мумкинки, қизиқарли дебочани тақдим этди.

Бошловчи қўлидаги «Бостон мэгезин»ни ҳаммага кўз-кўз қилди.

Лэнгдоннинг ҳуши бошидан учаёзди. *«Жин урсин, қаердан топди экан буни?»*

Бошловчи ўша аҳмоқона мақоладан парчалар ўқий бошлади, Лэнгдон эса ўтирган креслосига тобора чуқурроқ чўкиб борарди. Яна ўттиз сониядан кейин ўтирганлар ошкора хиринглар, аёл эса ўқишдан тўхтай демасди. «...Жаноб Лэнгдон ўтган йили Ватиканда бўлиб ўтган йиғилишдаги ғайриоддий роли ҳақида оммавий ахборот воситаларига гапиришдан бош тортганди. Бу эса унинг «қизиқарли шахслар» ўнталигига киришига анчагина қўл келди».

Шу жойга келганда у аудиторияга мурожаат қилди:

– Яна эшитишни хоҳлайсизларми?

---

*Миля – 7420 метрга тенг масофа ўлчови.

**Идеограмма – бирор маънони шартли ифодалайдиган ёзув белгиси.

KITOBXON
BILIMLAR XAZINABONI

Bu tanishuv parchasidir. Asarning to‘liq versiyasi https://kitobxon.com/oz/asar/3896 saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси https://kitobxon.com/uz/asar/3896 сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте https://kitobxon.com/ru/asar/3896